

**«Ўзпартампоаж» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
4 – сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

2023 йил 07 декабрь
Йиғилиш бошланиш вақти: 10:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

“Ўзпартампоаж” АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилиши қатнашиш учун руйхатдан ўтиш натижалари маълум қилди, жумладан Акциядорларни руйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖнинг жойлаштирилган жами овоз берувчи 8 447 400 дона овоз берувчи акцияга эгаллик қилувчи 414 та акциядорлардан, 11 нафар акциядор руйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами 6 404 500 та овоз берувчи акцияларга ташкил этиди, йиғилиш кворуми 75,8 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддасига асосан кворумга эга эканлиги маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 77-моддасига (3-банди) ва “Ўзпартампоаж” АЖ Уставининг 8.13 бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очиши ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгаши раиси узурли сабабларга кўра қатнаша олмаганлиги сабабли, акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишини раиси этиб Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили жамият кузатув кенгаши аъзоси – Р.Я.Эрсориев ҳамда баённомани расмийлаштириш учун йиғилиш котиби этиб жамият корпоратив бошқарув менеджери Н.К.Мингяшаров номзоди таклиф этилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

Давлат активларини бошқариш

агенилиги вакили –

“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили –

“Integra Eurasia” МЧЖ вакили –

Р.Я. Эрсориев

А.А. Абдужаббаров

А.А. Файзуллаев

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
4. “Ўзпартампоаж” АЖда даргумон дебиторлик қарздорликлар захирасини ташкил этиш ва ҳисобдан чиқариш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан Корпоратив бошқарув бўйича менеджери Н.Мингяшаров сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун 3 аъзодан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини сайлаш таклиф этилди:

М.Эримов	- санок комиссияси раиси,
А.Олимов	- санок комиссия аъзоси,
И.Хожиев	- санок комиссия аъзоси.



Регламент бўйича кун тартибига киритилган ҳар бир масала бўйича маърузачиларга 5 дақиқадан ва овоз бериш учун 3 дақиқадан ажратиш таклиф этилди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 6 404 500 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси шахсий таркиби тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан бўйича жамиятнинг Корпоратив бошқарув бўйича менеджери Н.Мингяшаров сўзга чиқди. У ўз нутқида 2022 йил якуни бўйича жамият фаолиятини **2 983 031 000** сўм миқдорда соф фойда билан яқунлаганини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсимотини тасдиқлаш учун “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги 10-сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича тақсимлаш 2 та вариант тавсия этилганлиги тўғрисида айтиб ўтди:

1 – вариант:

- дивидендга – 24,1% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 85 сўмдан жами 718 029 000 сўм;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантириш фондига 15% ни, яъни 447 454 650 сўм;
- жамият яқка тартибда ижро органи – директорга Ўз.Рес.ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775–сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига – 2% ни, яъни 59 660 620 сўм;
- Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш учун 5%ни, яъни 149 152 000 сўм;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига – 53,9% ни, яъни 1 608 734 730 сўмни йўналтириш.

2 – вариант:

- дивидендга – 39,07% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 138 сўмдан жами 1 165 741 200 сўм;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига – 60,93% ни, яъни 1 817 289 800 сўмни йўналтириш.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

1 – вариант бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича:

тарафдорлар – 3 266 310 та овоз, қаршилар – 3 138 190 та овоз, бетарафлар – йўқ.

2 – вариант бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича:

тарафдорлар –1 318 372 та овоз, қаршилар –3 819 018 та овоз, бетарафлар –1 267 110 та овоз.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган **2 983 031 000** сўм миқдорда соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- дивидендга – 24,1% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 85 сўмдан жами 718 029 000 сўм;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантириш фондига 15% ни, яъни 447 454 650 сўм;
- жамият яқка тартибда ижро органи – директорга Ўз.Рес.ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775–сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига – 2% ни, яъни 59 660 620 сўм;
- Кузатув кенгаши аъзолари ва котибни рағбатлантириш учун 5%ни, яъни 149 152 000 сўм;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига – 53,9% ни, яъни 1 608 734 730 сўм йўналтирилсин.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала юзасидан бўйича жамиятнинг Корпоратив бошқарув бўйича менеджери Н.Мингяшаров сўзга чиқди. У ўз нутқида “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 10 ноябрдаги йиғилишида жамиятда даргумон дебиторлик қарздорликлар захирасини ташкил этиш ва ҳисобдан чиқариш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф берилганлигини тўғрисида айтиб ўтди:

 2

- жамиятда 2023 йилнинг якуни бўйича даргумон дебитор қарздорликлар резервини ташкил этиш;
- даргумон дебитор қарзлар резерви статистик усулда ишлаб чиқиш;
- ҳисоблаш натижасида ҳосил бўлган резерв суммасига тенг миқдорда муддати ўтган даргумон қарздорликларни ҳисобдан чиқариш;
- ҳисобдан чиқарилган даргумон дебитор қарздорликлар қарздорнинг иқтисодий ҳолати тикланганда ва тўловни амалга оширган тақдирда ундирилган қарздорлик жамиятнинг бошқа даромадлари таркибига олиш.

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, “Ўзпартампоаж” АЖ жамиятда даргумон дебиторлик қарздорликлар заҳирасини ташкил этиш ва ҳисобдан чиқариш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 3 768 482 та овоз, қаршилар – 1 819 818 та овоз, бетарафлар – 816 200 та овоз.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖда даргумон дебиторлик қарздорликлар заҳирасини ташкил этиш ва ҳисобдан чиқариш мақсадида қуйидагилар амалга оширилсин:

- жамиятда 2023 йилнинг якуни бўйича даргумон дебитор қарздорликлар резерви ташкил этилсин;
- даргумон дебитор қарзлар резерви статистик усулда ишлаб чиқилсин;
- ҳисоблаш натижасида ҳосил бўлган резерв суммасига тенг миқдорда муддати ўтган даргумон қарздорликлар ҳисобдан чиқарилсин;
- ҳисобдан чиқарилган даргумон дебитор қарздорликлар қарздорнинг иқтисодий ҳолати тикланганда ва тўловни амалга оширган тақдирда ундирилган қарздорлик жамиятнинг бошқа даромадлари таркибига олинсин.

Умумий йиғилиш раиси:



Р.Я.Эрсориев

Умумий йиғилиш котиби:



Н.К. Мингяшаров

Баённома имзоланди «13» декабрь 2023 йил.